УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 116 (20.983) 1991 йил 19 июнь, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«ТОШКЕНТ ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ»

● Одатдан ташқари қаттиқ ёққан ёз ёмғиридан сўнг янада покиза бўлган, чирой очган жумҳурият пойтахти биринчи «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» қатнашчиларини самимий кутиб олди.

● 18 июнь куни «Наврўз» мажлислар марказида учрашув тантанали вазиятда очилди.

● Жаҳондаги элликдан кўпроқ мамлакатдан келган ишбилармонлар худди шу ерда учрашганлигининг ҳам рамзий маъноси бор. Улар 300 дан ортиқ фирма, компания, корпорация, банкнинг вакилларидир.

● Бир-бирини дўстона қисиб турган икки қўл «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»нинг тимсоли бўлди. Ўзбекистон ССРнинг Мустақиллиги тўғрисидаги Декларация, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда рўй берган туб ўзгаришлар жумҳуриятимизнинг халқаро бозорга мустақил чиқиши учун кенг истиқбол очиб берди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессияси ҳам буни тасдиқлади.



● «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»да.

А. ГОРОКРИК ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

МУРОДИНГИЗГА ЕТИНГ, АЗИЗЛАР!

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари Жўра ХОЛҚОСИМОВ, Алишер РЎЗИЕВ, ЎзТАГ мухбирлари Л. ЛЕВИН, В. ПРУГЕР хабар қиладилар

МУЛОҚОТ МАРКАЗИ

Дейдиларки, иш билганга минг танга... Ҳозир шундай замон келди. Энди гапдонликдан фойда йўқ. Иш қилгин-у фойда ол. Ҳаракат зое кетмасин. Бу ҳақиқатни бизга замонанинг зайли ўргатмоқда. Икки карра икки ҳамма вақт ҳам тўрт бўлавермайди: беш, балки ўн бўлиши ҳам мумкин.

Кеча Тошкентда очилган ишбилармонларнинг учрашуви фаолиятини сергаклик билан кузатсангиз, тадбиркору сармоядорнинг нияти битталиги — чорасини топиб ўзаро ҳамкорлик қилиш фойдали эканини билиб олиш қийин эмас. Зотан, бундай учрашувнинг ташаббускори Ўзбекистон ССР Президенти экани ҳам тасодифий эмас.

Ахир кейинги бир неча ўн йилликлар мобайнида жумҳуриятимиз иқтисодиёти тузуккина ривож топмади. «Планли ривожлантириш» деган назария тараққиётга гов бўлиб келди. Ишбилармонларнинг Тошкент учрашуви эса турғунлик занжири халқаларини узиб, эркин тараққиёт йўлига чиқишнинг бир тадбири, десак янглишмасмиз. Чунки Тошкент учрашувидан мақсад — хорижий сармояларни Ўзбекистон ишлаб чиқаришига жалб этиб, чет давлатлар фирмалари билан барпо этилган қўшма корхоналарнинг кенг тармоғини вужудга келтиришдан, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришдан иборат.

Соат роппа-роса 15 да Ўзбекистон ССР вице-президенти, ташкилот комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов биринчи «Тошкент ишбилармонлар учрашуви»ни очиқ деб эълон қилди. У Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовга сўз берди. Чунки, айни унинг ташаббуси билан жаҳон бозоридаги машҳур компаниялар ва фирмаларнинг намояндалари Тошкентга келишди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Ўртоқлар!

Жумҳурият аҳли номидан сизларни — Тошкент ишбилармонлар учрашуви қатнашчилари ва меҳмонларини қадимий ва доимо навқирон Ўзбекистон заминида мубораксод этаётганимдан ғоят хурсандман. Учрашувимиз ҳаммангиз учун самарали бўлишини тилайман.

Тошкент шаҳри халқаро учрашувлар маскани сифатида азалдан маълум ва машҳур. Аммо бизнинг бугунги учрашувимиз, яъни — кўплаб таниқли корпорация ва концернлар, компания ва фирмалар, банклар раҳбарлари, чет элдан келган ўнлаб тадбиркор кишилар, хуллас, Ўзбекистон вакиллари билан ҳамкорликни ихтиёр этган ва аллақачон ҳамкорлик қилаётган кишиларнинг учрашуви — ҳеч шубҳасиз, юртимиз тарихида муносиб ўрин тутади.

Жумҳурият жамоатчилиги, ишбилармон даврали, бутун 21 миллионлик халқимиз сизларнинг Ўзбекистон иқтисоди ва маданиятини яқиндан билиш ва ўзаро фойдали савдо, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш истагингизни юксак даражада қадрлайдилар.

Жумҳуриятимиз, унинг пойтахти бўлмиш Тошкент шаҳри ҳақида қуйидаги гапларни айтишим мумкин:

— Бизнинг юртимиз Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро савдо ва иқтисодий алоқалари тарихида энг қулай географик ўрин тутиб келган;

— Буюк алломалар Беруний, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб улуғ шахсларни етказиб берган, бинобарин, жуда қадимий тарих ва маданиятга эга;

— қурилиш материалларидан тортиб то олтингача — улкан табиий-хом ашёвий ресурсларга, пахта, пилла, қоракўл, мева-резавор ва узум каби ғоят тансиқ қишлоқ хўжалик неъматларига эга;

— бизда меҳнат ресурслари жуда тез суръатлар билан ўсаяпти. Халқимиз меҳнатни севади ва иш кўзини билади. Ўзининг анъана ва удумларини авайлаб асрайди.

Бугунги учрашувни очар эканмиз, М. С. Горбачев ташаббуси билан бошланган қайта қуриш, янгича тафаккур, ички ва ташқи сиёсат борасидаги янгича ёндашувлар халқаро ва давлатлараро муносабатларда ижобий ўзгаришларга асос бўлганини айтиб ўтишимиз керак.

Мамлакатимиз ва дунёда бўлаётган бу ўзгаришлар бизнинг кўзимизни очди, десам янглишмаган бўламан. Биз ўз иқтисодимиз, маданиятимиз ва маорифимиз оғир аҳволда эканини, халқимиз нақадар ночор шароитда яшаётганини яққол кўрдик.

Биз узоқ йиллар давомида ғоявий догмалар ва адашувлар тазйиқи остида яшадик. Ҳаётга тўғри келмайдиган чақириқлар ва шиорлар, «Эртага яхши кун келади» деган қуруқ ваъдаларга ишондик.

Шу сабабдан, бизда иқтисод уйғун тарзда ривожланмади, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда бир ёқламаликка йўл қўйилди.

Шу сабабдан, жумҳуриятимиз халқ хўжалиги нуқул хом ашё етиштиришга мослашиб қолди, миллий даромад даражаси тушиб кетди, истеъмол бюджетида дефицит пайдо бўлди.

Шу сабабдан, давлат бюджетида етишмовчилик сезилди, жумҳурият халқининг долзарб эҳтиёжларини қондиришга хизмат этувчи соҳалар тузукроқ ривожланмай қолди.

Иқтисод борасида давлатлараро алоқаларни ривожлантиришдаги очиқлик, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун шерикларни мустақил танлаш ва мафкуравий маҳдудликдан воз кечиш — фақат шу йўл билангина олдинга қўйилган қутлуғ мақсадга эришиш мумкин. Бизнинг бош мақсадимиз — **кишилар фаровонлиги, жумҳурият ҳудудида яшаётган барча кишиларга муносиб шароит яратиб бериш.**

Бу қутлуғ мақсад йўлида биз ҳеч нарсамизни аямаймиз. Бу мақсад кишиларимизни, ёшларимизни сафарбар этишига, уларга куч-ғайрат бахш этишига қаттиқ ишонамиз. Бу муборак мақсадга эришиш фикрида сизларни мамлакатимизга, жумҳуриятимизга таклиф қилдик, азиз дўстлар. Сизларга ҳамкорлик қилишни таклиф этиб, барча имкониятларимиз ва ресурсларимизни намойиш этиш ниятимиз бор.

Сизлар, ишбилармон кишилар дунёси учун бизнинг ўлкамиз, маданиятимиз, имкониятимиз ва ресурсларимизни кашф этишингизга имоним комил. Шу маънода сизларнинг улуғ тарихий вазифани адо этаётганингизни эътироф қилишимиз керак.

Иқтисодни ривожлантириш, қўшма объектлар қуриш ва реконструкция этиш, банклар ва суғурта идораларининг воситачилик ишларига сармоя сарфлаш ҳақида гап борганида бу ишларнинг муайян маънода таваккалчилик эканини ҳам яхши тушуниб турибмиз. Хуллас, сизлар бу ерда тадорик бошлаб, таваккал қилишга журъат этиб, сарфлаган маблағларингиз қутилган фойдани берадими ёки йўқми, сизлар сарфлаган сармоянгизга муносиб кафолатли фойда оласизми ёки йўқми, бу ҳақда ўйлаб кўриб бир тўхтамга келиш ўзингизга ҳавола.

Бироқ, мен ўз тарафимдан ва жумҳурият ҳукумати тарафидан сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, бугун биз фақат миллий ва фуқаролик ўзлигимизни англаш туйғуси билангина эмас, айни вақтда аниқ ҳисоб-китоблар ва ишончли кафолатларга асосланиб иш кўрмоқдамиз.

Мен қуйидагиларни назарда тутаяпман:

Биринчидан, вазиятнинг нисбатан барқарорлиги, жумҳуриятни бошқариш ва унинг хўжалигини юритиш барча бўғинларидаги интизом ва тартиб, бизнинг назаримизда, ҳар қанча ислоҳот ва ишбилармонликнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Иккинчидан, бизда аввало хизмат кўрсатиш соҳасидаги, қишлоқ хўжалиги, саноат, тайёрлаш ва таъминот ташкилотларидаги мулкчиликнинг ҳамма шакллари эътироф қилинган ва ривожлантирилган. Шу ўринда хусусий ва акционерлик (қўшма тижорат) мулкчилиги равнақига бизда ҳеч қандай шубҳа ёки иккиланиш йўқлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бунинг устига мулкчиликнинг бу шакллари бизда, Ўрта Осиёда ўзининг тарихий илдизларига эгадир.

Учинчидан, жумҳуриятимиз парламенти ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш ва чет эл маблағларига кафолат берувчи бир қатор муайян қонунлар қабул қилди. Ҳукуматимиз томонидан эса иқтисодий тадбиркорлик эркинлигини таъминловчи ҳужжатлар тасдиқланди. Бизда қўшма корхоналар ташкил этмоқчи бўлган, бирор соҳага маблағ сарфламоқчи бўлган ёки воситачилик қилмоқчи бўлган кишиларга кенг имтиёзлар берилди.

Сўнгги вақтда бизда 50 та қўшма корхоналар тузилди. Ишбилармонлар уюшмаси ва шахсий хўжалик эгалари — фермерлар уюшмаси ташкил этилди. Республика бюджетидан уларга дастлабки сармоя сифатида ва айланма капитал яратиш учун 1 миллиард сўм маблағ ажратилди.

«Тошкент» савдо ва товар биржасининг расмий очилиши бўлиб ўтди. Швейцарияда савдо ваколатхонаси, Германия ва Америка Қўшма Штатларида эса ахборот-маслаҳат марказлари очилди.

Тўртинчидан, биз бор кучимиз, имкониятларимиз билан миллий ахиллиқни, фуқаролар ахиллигини, ҳар хил миллат ва диний эътиқодга мансуб бўлган одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни кўз қорачиғимиздек асрашга ҳаракат қиламиз.

Бизнинг динга бўлган янгича муносабатимиз, диндорлар билан ҳамкорликка интилаётганимиз абадий қадриятларни — инсонпарварлик ва тинч-тотувлик, яхшилик ва адолат, одамийлик ва олижаноблик, хуллас, мусулмонликнинг маънавий ҳимматларини қайта тиклаш мақсади йўлида амалга оширилаётган ишлардир.

* * *

Биз чет эллардаги ватандошларимиз билан ҳамкорликни мумкин қадар кенг йўлга қўйиш, уларга таяниб ишлашнинг янги имкониятларини яратиш учун ҳеч нарсани аямаймиз. Бу йўлдаги ҳозирча мавжуд бўлган тўсиқларни бартараф этиш керақлигини ҳам яхши тушунамиз.

Биз, ҳурматли дўстлар, ўзбекча қилиб айтганда, катта ишнинг маслаҳат ошнга сизларни таклиф этганмиз. Хорижий мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни мустақил амалга ошириш соҳасида очилаётган илк имкониятлар доирасида ҳам кўп иш қилса бўлади. Бу соҳада ҳамкорликда қилинадиган катта ишларнинг пойдеворига асос солишимиз мумкин.

Бу тадбирлар ҳозирги кунда имзоланишга тайёрланаётган Мустақил Давлатлар Иттифоқи шартномаси лойиҳасида ҳам кўзда тутилган.

Биз бу тадбирларни жумҳуриятимизнинг янгиланган Иттифоққа мустақил давлат сифатида кириш-кирмаслигини белгилайдиган асосий шартлардан бири деб ҳисоблаймиз.

Азиз дўстлар, ҳаммаларингизга яна бир бор сиҳат-саломатлик, ишларингизга омад ва барака тилайман.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСДА

«Наврўз» марказига тўпланган тадбиркорлар жумҳурият Президентининг нутқини қарсаклар билан кутиб олишди. Бугунги кунда шуни ишонч билан айтиш мумкинки, кўп масалалар юзасидан ўзаро фикрга келинди, халқ хўжалиги мажмуининг амалда барча тармоқларига тегишли икки юздан ортиқ ўзаро манфаатли таклифлар тайёрланганини айтишнинг ўзи кифоя. Тадбиркорлар ҳам ўз таклифлари, ишланмалари билан Тошкентга келганликлари табиий. Беш кунлик анжуман чоғида сармоя бёришдан ташқари, хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар тузиш тўғрисида шартномалар имзолаш мўлжалланмоқда.

ЯЛПИ мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Президент кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболларига асосий эътиборни қаратди. У жумҳуриятда олиб борилаётган янги ташқи иқтисодий сиёсатга тўхталди. Ўзбекистон ССРда экспорт ва импорт ишларини, чегара савдоси, транспорт таъминоти, қўшма корхоналар тузишни ташкил этиш масалалари билан шуғулланадиган, давлат тузилмалари ташкил этилди. Давлатдан ташқари ташқи иқтисодий уюшмалар, ташқи бозорга йўналтирилган фирмалар, кичик корхоналар ва кооперативлар ташкил этилди ва улар ҳозирнинг ўзида фаол иш олиб бормоқдалар. Бу, ўз навбатида, хорижий тадбиркорларнинг жумҳуриятимиздаги кўпдан-кўп шериклар билан бевосита алоқа ўрнатиш имкониятларини анча кенгайтиради. Бу ишда ҳозир ташкил этилаётган ташқи иқтисодий фаолият масалалари билан шуғулланувчи ахборот хизмати муҳим вазифани бажаради.

Биринчи ялпи мажлисда бугуннинг ўзидаёқ жумҳуриятимиз савдо соҳасида анъанавий пахта ва унинг ҳосиласидан ташқари, қоракўл, ипак, мева-сабзавот маҳсулотлари, рангли металлар, турли минераллар, кимёвий маҳсулотлар ва бошқа кўплаб нарсаларни таклиф қилишга қурби етиши таъкидланди.

Биргаликда тадбиркорлик қилиш соҳасига келганда эса, Ўзбекистон ССР малакали иш кучи, тайёрлаб қўйилган ишлаб чиқариш майдонлари, муҳандислик — транспорт коммуникациялари ва турли-туман минерал-хом ашё ресурслари жиҳатидан жуда катта имкониятларга эга. Саёҳатчиликни ривожлантириш борасида қўшма корхоналарнинг тузилиши ҳам катта истиқбол яратади. Ўзбекистоннинг кўҳна заминида бутун жаҳонга машҳур шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент жойлашган. Ўзбекистон ССРда иқлимий шарт-шароитларга кўра саёҳатчиликнинг жуда кенг тармоғини яратиш мумкин бўлган масканлар бор.

Халқи қадим-қадимдан ишбилармонлиги, омилкорлиги билан донг таратган Ўзбекистонда ҳозир амалий фаоллик қайтадан тикланмоқда ва буни фақат табриклаш мумкин, деди учрашув очилиши маросимида сўзга чиққан асли ўзбекистонлик кекса тадбиркор А. Мақсудий. Жумҳуриятда юзага келган янги иқтисодий ва сиёсий воқеликлар ана шу яхши анъаналарни қайта тиклаш йўлини очади, ўлканинг гуллаб-яшнашига умид туғдиради.

Худди шу фикр Ўзбекистон ССР халқ депутати, жумҳурият ишбилармонлар уюшмаси раиси Э. Ҳўжаевнинг нутқида ҳам асосий ўринни эгаллади. Айни вақтда у Ўзбекистон хорижий тадбиркорлардан қандайдир совғалар кутмаётганини, балки уларни тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли шерикликка таклиф этаётганини уқтирди.

Иқтисодиётни бошқаришда бюрократик тузилмалардан воз кечиш жумҳуриятда ишбилармонликни авж олдириш учун аниқ-равшан имкониятлар очиб беради, деди Ўзбекистон — Швейцария «Ўзбек-трейдинг компании» қўшма компаниясининг президенти А. Алтайли. Ҳамкорликни ривожлантириш учун яратилган яхши шарт-шароит жумҳуриятда барқарор ижтимоий-иқтисодий муҳитни таъминлайди. У Тошкентда ишбилармонлар учрашувини ўтказиш имкониятини берган Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорчилик изҳор қилди.

Шаҳар меҳмонларини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков самимий табриклади. У жумҳуриятимиз эндиликда халқаро иқтисодий ҳамкорлик учун катта имкониятга эга эканини таъкидлади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кўпгина турлари жаҳон бозорида тўла-тўкис рақобат қилишга қодир, Ўзбекистоннинг илмий имкониятлари ҳам жуда катта.

Учрашув очилиши маросимида Испания «Лаинтекс ветерани» фирмасининг президенти А. Мата, Ўзбекистон «Ипак йўли» ёшлар инновация-тижорат банки бошқарувининг раиси Р. Азимов, Ҳиндистон — Совет савдо ва саноат палатасининг президенти М. Шан, «Сельхозмаш» концернининг раиси А. Юсупов ҳам сўзга чиқдилар.

ҲАМКОРЛИК ДЕБОЧАСИ

ТОШКЕНТ учрашуви — иқтисодий тараққиётга эришиш йўлида ўтказилган ягона тадбир эмас. Бундай тадбир ўтган йили ҳам бўлган, бундан кейин ҳам ўтказилади. Бозор иқтисодиёти шароити етти ўлчаб, бир кесишни, манфаатли иш тутишни тақозо этмоқда. Ишбилармонларнинг бу сафарги учрашуви олдидан — бундан бир йил муқаддам Тошкентда пахта ярмаркаси уюштирилгани ўзига яраша машқ бўлди: унда ўзаро манфаатли битимлар имзоланди. У энди илк тажриба бўлиб қолди.

Ушбу тажриба мутахассисларимиз малакасини оширишда, бозор иқтисодиёти қонунлари асосида иш тутиш борасида дастлабки қадам бўлди. Ушбу илк учрашувнинг нақд якуни — мол айрибошлашда Иваново ва Тирасполь тўқимачилик комбинатлари билан келишиб олинди. 1991 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Иттифоқ ташқи савдо ташкилотлари аралашувисиз — ўзи мустақил чет элга чиқара бошлади. Бугунги кунда жумҳуриятимиз хорижий шериклар билан ҳамкорлик барча масалаларини Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитети орқали рўёбга чиқармоқда. Шу тариқа республика иттифоқдош жумҳуриятлар олдидаги мажбуриятларини адо этиш билан бир қаторда, хорижий фирмалар, компаниялар билан ҳам ҳамкорлик кўламларини кенгайтирмоқда.

Яна бир гап шуки, ишбилармонларнинг Тошкент учрашувига имкон даражасида пухта ҳозирлик кўрилди. Аввало, жумҳуриятнинг иқтисодиётини ривожлантириш учун маблағ сарфлашни хоҳлайдиган ва бунга тайёр турган фирмалар таклиф этилди. Манфаатдор тармоқлар мутахассислари жиддий таклифлар ҳозирладилар. Енгил ва маҳаллий саноатимиз — катта мададга муҳтож. Ана шу эҳтиёжга кўра, бу тармоқларга оид қўшма корхоналар ташкил этишга кўпроқ зўр берилади.

Жумҳуриятимиз халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ҳамкорлик дастурхонига «неъмат»ларини ўзига хос тарзда «териб» қўйдилар, десак муболаға эмас. Тошкент авиация, «Пахтачилик машиналари» ишлаб чиқариш бирлашмалари меҳмонларни барча корхоналар маҳсулотлари билан таништиради. «Восток», «Алгоритм» корхоналарининг ҳам ишбилармонларни қизиқтирадиган таклифлари бор. Меҳмонлар Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида республикада етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш орқали олинган ранго-ранг неъматлар — консерва, қиём, шарбат каби ширин-шакар маҳсулотлар билан танишиш имконига эга бўлдилар.

ИШБИЛАРМОНЛАР учрашувининг Тошкентдаги «Наврўз» мажлислар марказидаги расмий очилиш маросимида чет эллардан, жумҳуриятимиздан тўпланган вакиллар ҳаётга янгича назар билан қараб, иқтисодий ишлар аҳволини теранлик билан идрок этдилар. Уларни ихчамроқ тарзда ифодалайдиган бўлсак, меҳмонлар — хориждан келган ишбилармонлар республикамиз имкониятларига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Улар бу ерда сармоя сарфлаш фойдали эканига қаноат ҳосил қилдилар. Қўшма корхоналар қуришда манфаатли ҳамкорлик қилишга қизиқиб қолишди. Бунинг энг муҳим жиҳати шундаки, сармоядорларда маблағ сарфлашдан чўчиш аломатлари сезилмаяпти.

Биз хорижлик ишбилармонлар ва сармоядорларнинг баъзиларн билан ҳамсуҳбат бўлдик. Улардан бирининг фикрича, Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик, бу ерда қабул қилинаётган қонунлар республика иқтисодиётига чет эл сармояларини бемалол сарфлашни ва шу тариқа фойда олишни таъминлайди.

x x x

Кечқурун хорижий меҳмонлар шарафига Ўзбекистон ССР Президенти номидан расмий қабул маросими ўтказилди.

Қабул маросимида И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Тошкент учрашуви қатнашчилари бугун «Наврўз» мажлислар марказида шўъбалар бўйича амалий мулоқотлар ўтказадилар. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлишади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси

«ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ошкоралик масалалари комитети раиси Э. ВОҲИДОВ маърузаси

Ҳурматли халқ депутатлари!

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси узоқ баҳслар, тортишувлар сўнггида ниҳоят сизларнинг муҳокамангизга ҳавола қилинмоқда.

Оммавий ахборот ҳамма даврларда ҳам қудратли куч бўлган. Жамиятимиз улкан янгиланиш жараёнини бошдан кечираётган, умуминсоний, демократик ғоялар асосида янгича онг, янгича дунёқараш шаклланаётган бизнинг кунларда матбуотнинг роли, айниқса, буюкдир.

Биз бугун Олий Кенгаш сессиясига тақдим этаётган Қонун лойиҳаси ошкоралик ва демократия меваси бўлган матбуот эркинлигига ҳуқуқий асос бўлмоғи лозим. У барча даражадаги халқ депутатлари Советларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, фуқароларнинг қонунга мувофиқ тузилган ширкатлари, диний ва ўзга бирлашмалари, меҳнат жамоаларига оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқини беради.

Оммавий ахборот воситасининг бирор турига якка ҳокимлик, яъни монополия қилишга, цензура қилишга йўл қўйилмайди.

Қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситаларига ижодий мустақиллик, журналистларга кенг эркинликлар берилган. Шу билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматлари ҳам қаттиқ ҳимоя қилинади. Эркинлик ҳамиша масъулият демакдир. Оммавий ахборотдек қудратли кучга берилган эркинлик, айниқса, катта масъулиятни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳамда кейинги йилларнинг тажрибасидан хулоса чиқариб, биз сизларга Иттифоқ Қонунидан бироз фарқ қилувчи Қонун лойиҳасини тақдим этмоқдамиз.

Аввало, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи бизнинг лойиҳада якка шахсларга эмас, балки юқорида баён қилинганидек, давлат ва жамоат ташкилотларига, партиялар, уюшмалар, кооперативлар ва ҳоказо бирлашмаларга берилади. Биз бу хусусда мутасадди идораларнинг фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олдик. Лекин келажакда ҳаёт бу моддага ўз тузатишларини киритар.

Биз, шунингдек, лойиҳада чет эл мухбирлари қаторида Иттифоқ ҳамда иттифоқдош жумҳуриятлар оммавий ахборот воситалари вакилларини Ўзбекистонда аккредитация қилиш қоидасини белгиладик. Бу тадбир жумҳурият Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамаси ёки шу Маҳкама белгилаган бошқа давлат органи томонидан амалга оширилади.

Ушбу модда жумҳуриятимиз шаънига, халқимиз шаънига ошкора бўҳтон ёғдираётган айрим мухбирларнинг ваколатини бекор қилиш имкониятини беради.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олувчи ташкилотга ҳам Қонун лойиҳасида кенгроқ ҳуқуқ белгиланди. Яъни рўйхатга олишда шарт деб саналган маълумотлардан ташқари қонун доирасида айрим маълумотлар сўраш, моддий-техникавий таъминланганлик учун ҳужжат талаб қилиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини ҳуқуқий экспертиза қилиш ҳуқуқи ёзиб қўйилди. Айни вақтда рўйхатга олувчи ташкилот, яъни Матбуот давлат комитети оммавий ахборот воситаларига ёрдам кўрсатиши кераклиги ҳам таъкидланди.

Ушбу лойиҳада ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик учун оммавий ахборот воситасининг жавобгарлиги ҳам анча кучайтирилган.

Қўлингиздаги Қонун лойиҳасида биз киритган яна бир янгилик — телевидение ва радионинг ёзув хазинаси билан боғлиқ. Шундай кўрсатув ва эшиттиришлар борки, уларни узоқ йиллар, балки асрлар бўйи сақлаб қўйиш, авлодларга етказиш керак. Минг афсуслар бўлсинки, баъзан моддий-техникавий қашшоқлигимиз туфайли, баъзан масъул кишиларнинг бепарволиги натижасида тарихий аҳамиятга эга бўлган телевизион ёзувлар ўчириб юборилади. Маданиятимизнинг улуғ арбоблари ҳаёти билан боғлиқ бўлган, жумҳуриятимизнинг тарихий воқеаларига тааллуқли бўлган жуда кўп ноёб кадрлар сақлаб қолинмаган. Баъзан кино ленталаридан бир неча грамм кумуш олиш мақсадида олтиндан қиммат ёзувлар ёндирилади. Биз бундай ҳолга бепарво қараб турмаслигимиз керак. Шунинг учун ушбу Қонун лойиҳасига шундай сўзлар ёзилган: «Ҳозирги замон нуқтаи назаридан ва тарихий жиҳатдан муҳим деб топилган материаллар доимий сақланиши керак».

Қолган ўринларда ушбу лойиҳа Иттифоқ Қонунига асосан мос келади.

Ҳурматли депутатлар!

Энди қўлингиздаги оммавий ахборот воситалари ҳақидаги Қонун лойиҳасининг биринчи саҳифасини очишингизни сўрайман.

Иккинчи модда шундай сўзлар билан бошланиши керак. «Ўзбекистон ССРда барча оммавий ахборот воситалари эркиндир».

Шу модданинг охирига: «Оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди» деб ёзилиши керак.

2-саҳифа. 4-модда — оммавий ахборот воситаларининг тили 3-модда деб ҳисобланиши ва 1-саҳифадаги «Сўз эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги» — 4-модда деб ҳисобланиши керак.

5-модда охирига шундай жумла ёзилади: «Оммавий ахборот воситаларининг бирор турига якка ҳокимлик қилишга йўл қўйилмайди».

6-модда. Иккинчи хат боши, учинчи сатр: «Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўядиган давлат бошқарув идораси» ўрнига «Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети» деб ёзилади.

7- ва 8-моддаларнинг ўрни алмаштирилади. 7-модданинг 5-рақамли пункти «ҳажми» сўзидан кейин «моддий-техникавий» сўзи ёзилади. Шу модда, пастдан 4-сатр — «Рўйхатга олиш чоғида» сўзларидан кейин «қонунга зид бўлмаган» сўзлари ёзилади.

9-модданинг 2-абзаци, яъни 1-рақамли пунктида «Ўзбекистон ССР Конституциясига» сўзидан кейин «Мустақиллик тўғрисидаги декларацияси ҳамда» сўзлари киритилади.

11-модда. 1-абзац сўнгидаги «суд мулкий низоларни амалдаги қонунлар асосида кўриб чиқади» деган сўзлар иккинчи абзац охирига кўчирилади.

14-модда. 4-абзац «оммавий ахборот воситаларининг» деган сўзларидан кейин «нашр» сўзи қўшилади.

17-модда. Охирдан иккинчи сатр «Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларига» деган сўзлар «таҳririят белгилаган тартибга» деб ўзгартирилади.

19-модда. 2-абзац «Таҳririят, суд ва давлат ҳакамлиги» сўзларидан «ва давлат ҳакамлиги» сўзлари тушириб қолдирилади.

22-модданинг сарлавҳаси «Раддия ва жавоб ҳуқуқи» деб ўзгартирилади.

Шу модданинг иккинчи абзаци қилиб шундай жумла ёзилади:

«Оммавий ахборот воситасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари поймол қилинган фуқаро ёки ташкилот ўша оммавий ахборот воситасида жавоб эълон қилишга ҳақли. Раддия ёки жавоб ана шу жавобга сабаб бўлган мақола босилган айни саҳифада айни ҳарфлар билан раддия ёки жавоб келган кундан бошлаб бир ой муддат ичида эълон қилинади.

Жавоб матнини таҳрир қилишга йўл қўйилмайди».

25-модда. 8-пункт «писанда қилб қўйиш» «шарт қилиб қўйиш» деб ўзгартирилади.

27-модда шундай таҳririда баён этилади: «Совет Иттифоқи, иттифоқдош жумҳуриятлар ва чет эл оммавий ахборот воситаларинин вакиллари Ўзбекистон ССР Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамаси ёки шу Маҳкама топшириғига кўра бошқа давлат ташкилоти рухсати билан аккредитация қилиниши мумкин. Оммавий ахборот воситалари давлат идоралари ҳамда жамоат бирлашмаларининг идоралари билан келишиб, уларнинг ҳузурига ўз мухбирларини вакил қилиб тайинлашлари мумкин. Мухбир аккредитация қилинган органлар ўз мажлислари, йиғинлари ҳақида уни аввалдан огоҳлантириши, стенограммалар, протоколлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлаши лозим».

28-модда 1-абзацидан сўнг шундай сўзлар ёзиб қўйилади:

«Белгиланган қоидага кўра, рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг эълон этилган мақсад ва вазифаларини адо этишини таъминлаш мақсадида уларни рўйхатга олувчи органлар давлат ҳуқуқ экспертизасини ўтказиб туриши, касбкорлик ёрдамини кўрсатиши, ахборот билан таъминлаши лозим».

Ҳурматли халқ депутатлари!

Ушбу ўзгартишлар билан оммавий ахборот воситалари ҳақида Ўзбекистон ССРнинг Қонуни лойиҳасини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

«ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари комитети раиси П. Қ. Қодировнинг маърузаси

Олий Кенгашимиз Президент ҳокимияти билан бирликда Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган ҳуқуқий давлат тузиш мақсади сари дастлабки қадамларни қўйяпти. Жаҳоннинг илғор мамлакатларида қарор топган ҳуқуқий давлатлар ўз халқларининг фаровон, эмин-эркин яшашига имкон бериши билан гоҳо ҳавасимизни келтиради.

Одамзоднинг кўп минг йиллик тажрибаси шуни исбот қилдики, алоҳида фуқароларга мулк эркинлиги, фаолият эркинлиги, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги каби катта ҳуқуқлар берилиши — ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартларидир. Томчилардан дарёлар пайдо бўлгани каби алоҳида фуқароларга берилган ҳуқуқлар ҳаммаси йиғилиб, ҳуқуқий давлат биноси қад кўтаради.

Бундай давлат халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини худди табиий мавжудотдек, иқлимдек ҳисобга олиб иш юритади. Иқлим алоҳида одамнинг идорасига бўйсунмайди. Вазирми, оддий фуқаромми — иқлим олдида улар баробар, иккови ҳам қишда қишчасига, ёзда ёзга мос яшашга мажбур. Ҳуқуқий давлат чиқарадиган қонунларни ҳам худди иқлим каби барча баробар тан олиши керак.

Бултурдан бери бизда қабул қилинган Ер, Мулкчилик, Тадбиркорлик ҳақидаги қонунлар кўпроқ халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилди. Бу табиий ҳол, чунки иқтисод, моддий ҳаёт-бирламчи. Ҳуқуқ-тартиботни яхшилашга қаратилган қонунларимиз ҳам ўткир ҳаётий заруратга жавобан яратилди.

Энди мана бугунги сессияда маънавият масалаларига, жумладан, виждон эркинлигига ҳам махсус эътибор бериб, шу ҳақда яхши қонун қабул қилсак, Ўзбекистонда чинакам ҳуқуқий давлат тузиш мақсадига яна бир қадам яқинлашган бўламиз.

Чунки инсон учун ташқи оламни обод ва кўркам қилиш қанчалик муҳим бўлса, одамнинг руҳий дунёсини обод ва кўркам қилиш шунчалик муҳимдир. Ташқи оламда қанча фаровонлик ва адолатли қонунлар яратмайлик, агар одамнинг руҳий дунёсида шу фаровонликни астойдил қадрлайдиган, адолатни тан оладиган, қонунларга сўзсиз риоя қиладиган виждон ва имон, инсоф ва интизом бўлмаса, энг яхши қонунлар ҳам жарга оққан обиҳаётдек самарасиз кетади.

Дарвоқе, сўнгги вақтда, айниқса, Иттифоқ миқёсида қабул қилинган кўпгина яхши қонунларимизнинг ишламаётганига, нуқул қоғозда қолиб кетаётганига сабаб бўлаётган энг ёмон иллатлардан бири — виждонини йўқотган, худони ҳам, қонунни ҳам тан олмайдиган, ўз нафси-ю роҳатидан бошқа ҳамма нарсани унутган одамларнинг кўпайиб қолганлигидир. Бу маънавий иллатдан тезроқ қутулиш учун бизнинг виждонни, инсофу эътиқодни қадрлашимиз, инсоннинг руҳий дунёсини обод қилишимиз керак.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун сизларнинг муҳокамангизга қўйилаётган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ҳозир айтиб ўтилган долзарб ҳаётий эҳтиёжларга жавобан тузилгандир. Бу қонун лойиҳасини тузишга Олий Кенгашимиз қўмиталари билан бирга Президент девонининг миллатлараро муносабатлар бўлими қошида динлар масаласи билан шуғулланаётган ижтимоий кенгаш аъзолари жуда катта ҳисса қўшдилар. Лойиҳани тайёрлаш жараёнида муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари, православ динининг Тошкентдаги пешвоси муҳтарам архиепископ Владимир қаторида иудаистлар, баптистлар ва адвентистлар қимматли маслаҳатлар бердилар. Муҳокамаларда айтилган фойдали фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, лойиҳани қайта ишлаш ва такомиллаштиришда қўмитамиз депутатлари билан бирга олимлар ва диншунос, қонуншунос мутахассисларнинг кўп меҳнатлари сингди.

Қонун лойиҳаси устида ойлар давомида иш олиб борилган бўлса ҳам, биз уни бенуқсон деёлмаймиз. Сессияда айтиладиган фикр-мулоҳазалар лойиҳани яна бойитади ва уни чинакам қонун даражасига етказишга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Қонун лойиҳаси барча депутатларга тарқатилган. Унинг алоҳида боб ва моддаларини батафсил изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Фақат уларнинг маъно ва мақсадини чуқурроқ тушунишга ёрдам берадиган бир қанча муҳим нуқталарга эътиборингизни тортмоқчиман.

Аввало, «виждон эркинлиги» деганда биз нималарни назарда тутамиз? Инсоннинг руҳий дунёсида виждон марказий ўринни эгаллайди. Виждоннинг табиий асоси бор — бу хотира. Хотира эса бизни ташқи олам билан боғлаб туради ва инсон ифодасига бўйсунмай мустақил ишлайди. Дейлик, бирон хато иш қилиб қўйсангиз ёки нохуш ҳодисани бошдан кечирсангиз, уларни эсламасликка интиласиз, аммо хотира сизга бўйсунмай ишлайверади, ўша хатоликни сизга муттасил эслатиб туради. Виждон азоби ҳам хотиранинг сизга бўйсунмай адолат овозига айланиб ишлаб туришидан келиб чиқади.

Хуллас, виждон хотира орқали бизга ҳақиқат ва адолатни табиий тарзда кўрсатиб турадиган олий бир руҳий фазилатдир. Шу сабабли виждондек қудратли инсоний фазилатга эрк бериш — умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ва дунё миқёсида махсус қонунга муносиб кўрилган жуда улкан вазифадир.

Бу қонун виждонсизликнинг йўлини тўсиб, виждоний имону эътиқодга эрк беради, яъни бу қонун чин виждонга асосланган имону эътиқодларни қўллаб-қувватлайди.

Албатта, имону эътиқодлар турли одамларда турлича — диний ёки дунёвий шаклларда намоён бўлади. Биз барча самимий эътиқодларни динийлиги ёки дунёвийлигидан қатъий назар, баббаравар тан оламиз, тенг деб биламиз ва уларнинг ҳар бирини ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қиламиз. Бир вақтлар ҳажга бориш ёки диний ҳайит ўтказиш таъқиқланган эди. Мана, бу йил Ўзбекистондан мингдан зиёд одам ҳажга бориши учун шароит яратилди. Ийди рамазон ҳам биринчи марта байрам қилинди.

Маъмурий-буйруқбозлик даврларида диний адабиётларни чоп этиш, тарқатиш, диний мактаблар очиш ҳам таъқиқланган эди. Ҳозир бундай таъқиқларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқларини асоссиз равишда чеклайдиган жоҳиллик сифатида йўлимиздан олиб ташланди.

Сизга тақдим этилган Қонун лойиҳаси, аввало, Ўзбекистоннинг миллий ўзига хослиги, унинг Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда Қорақалпоғистон Конституцияси ва қонун ҳужжатларига асосланиб тузилган. Шу билан бирга лойиҳада жаҳон халқларининг виждон эркинлигига оид ижобий тажрибалари ҳам, СССР Олий Кенгаши қабул қилган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида»ги Қонун ҳам Ўзбекистоннинг муайян миллий ва тарихий шароитига ижодий татбиқ этиш нуқтаи назаридан ҳисобга олинган.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолияти борасида кишиларимизни тўлқинлантириб келган энг муҳим муаммолар ушбу Қонун лойиҳасининг олти бобида, ўттиз моддасида атрофлича қамраб олинган ва уларни ҳал этишнинг қонуний йўллари белгилаб берилган. Маълумки, турли динлар ва мазҳаблар орасидаги низолар, айни вақтда, диний ва дунёвий эътиқодлар орасидаги тўқнашувлар асрлар давомида жуда кўп ноғинчликларга сабаб бўлди. Бу низо ва тўқнашувлар ҳатто ҳозир ҳам дунёнинг турли жойларида беҳуда қон тўкилишига сабаб бўлмоқда. Қонун лойиҳаси тарихнинг ана шу аччиқ сабоқларини ҳисобга олиб, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини биринчи навбатда тинчликни таъминлашга, турли эътиқодлар ва динлар орасидаги тенглик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтиради.

Шу мақсадда Қонуннинг биринчи бобидан тортиб то охирги моддаларигача ҳамма жойда динга эътиқод қилиш эркинлигини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, барча фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан биргаликда амалга ошириш кўзда тутилади.

Айниқса, диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилиши уларнинг ўз соҳаларида тинч ва мустақил иш олиб боришларини таъминлайди. Диний ташкилотларнинг сиёсий партиялар фаолиятига қатнашмаслиги уларнинг инсон руҳига ва виждон эркинлигига оид вазифаларини астойдил ва ҳалол бажаришларига имкон яратади. Қонун диний мактаблар ва олийгоҳлар очиш, диний жамоалар, марказлар, бошқармалар тузиш, динга хизмат қилувчи мулкларга, ҳатто корхоналарга ва диний адабиётлар нашр этадиган матбаага эга бўлиш каби жуда хилма-хил ва улкан ҳуқуқлар беради. Айни вақтда, бу ҳуқуқлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш йўллари, уларни давлат ва халқ манфаатларига қарши қўймаслик шартлари ҳам қонунда қатъий белгиланади.

Юқорида айтганимиздек, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолияти инсоннинг руҳий оламини тартибга солиш ва такомиллаштириш каби ўта нозик, ўта масъулиятли мақсадларга хизмат қилади. Тарих ҳам, бугунги ҳаёт ҳам шуни кўрсатмоқдаки, одамларимизнинг руҳий дунёсида тартиб ўрнатмагунимизча ташқи дунёда тартиб ўрнатиб бўлмайди.

Дунёга донғи кетган жаҳонгирлардан бири айтган экан, «Агар мен ўзимнинг руҳий дунёмни яхши идора этолганимда, бутун дунёни идора этишга кучим етган бўларди». Бу гапда жон бор: инсон жамият ва мамлакатни яхши идора этиш учун аввал ўз руҳий дунёсини яхши идора этишга ўрганмоғи керак.

Қабул қилган қонунларимиз одамларнинг дилидан ўрин олиб, улар томонидан сўзсиз адо этилиши учун фуқаролар дилини виждон эркинлиги ва эътиқод кучи билан парвариш қилишимиз керак. Ўн йиллар давомида бундай парвариш бўлмаганлиги сабабли маънавиятимиз таназзулга учради, энди бу руҳий парваришни кечиктириб бўлмайди. Шунинг учун ушбу Қонун лойиҳасини тезроқ меъёрига етказиб қабул қилиш ва тезроқ жорий этиш сиз билан биз каби халқ депутатларининг виждоний бурчимиздир.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ МАНДАТ КОМИССИЯСИ ВА КОМИТЕТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мандат комиссияси раиси Ш. М. МИРЗИЁЕВ маърузаси

Ҳурматли халқ депутатлари!

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши мандат комиссияси ва комитетлари тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилмоқда. Лойиҳани муҳокама қилиш ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иш бошлаганига 1 йил тўлган паллага тўғри келди. Олий Советнинг бутун фаолияти дастлабки кунларданоқ тамомила янгича асосда олиб борилди.

Демократик йўл билан сайланган Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўта кескин ва муҳим масалаларни ҳал этишга киришди. Олий Кенгаш бир қатор зарур қарорлар қабул қилди, улар бозор иқтисодиётига ўтилишини ва бу ҳол одамлар манфаати жамоатчилик диққат марказида бўлишини келтириб чиқарган республикамиздаги қайта қуриш жараёнларига сезиларли таъсир этди.

Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши, республикамизда биринчи бўлиб президентлик ҳокимиятининг таъсис этилиши, янги бошқарув структураларининг тузилиши йилнинг энг муҳим воқеалари бўлди. Шу давр мобайнида 23 та қонун қабул қилинди. Уларнинг ҳар бири фуқаролик жамиятини, ҳуқуқий давлат асосини шакллантириш йўлидаги муҳим босқич бўлди.

Ана шу ишларнинг барчасида, айниқса, қонунчилик ишларида, Олий Кенгаш сессияларини тайёрлашда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қўмиталарининг роли беқиёсдир. Эсингизда бўлса, бир йил аввал Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг бир қисми Олий Кенгашда ишлашлари тўғрисида қарор қабул қилган эдик. Ана шу қарор тўғри эканлиги бугун исботланди.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари давлат ишини идора этиш борасида анча тажриба тўпладилар, уларнинг ишчанлик қобилияти сезиларли даражада ошди, Олий Кенгаш қўмиталарининг Ўзбекистон ССР ҳукумати, вазирликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан ўзаро муносабатлари яхши йўлга қўйилди.

Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда мандат комиссияси ва комитетлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси Олий Кенгашга ўз вақтида тақдим этилмоқда, деган хулоса чиқариш мумкин. Бу Қонун ўтган давр мобайнида қўмиталар амалга оширган ишларни умумлаштириши, уларнинг келгусидаги фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиши зарур.

Ушбу Қонун лойиҳаси мандат комиссияси ва қўмиталар фаолиятини умумий тарзда тартибга солиши керак бўлган Ўзбекистон ССР Конституцияси, Ўзбекистон ССР Олий Совети иш тартибининг қоидаларини ривожлантиради ва чуқурлаштиради.

Қонун лойиҳаси илмий-тадқиқот ташкилотларида, вазирликлар ва идораларда ҳар томонлама синовдан ўтди. Республика ҳукуматининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг лойиҳага оид хулосалари олинди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қўмиталарида у катта қизиқиш билан муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида уни яхшилашга қаратилган қатор таклиф ва мулоҳазалар киритилди. Сизларга тарқатилган ҳужжат анча ихчам шаклга келди, ундан иккинчи даражали қатор моддалар чиқариб ташланди. Эндиликда комиссия ва қўмиталарнинг ваколатлари, улар ишини тартибга солиб турувчи Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг ваколатлари аниқ ва лўнда тарзда кўрсатиб берилган. Комиссия ҳамда қўмиталарнинг ижроия-бошқарув идоралари билан, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг доимий комиссиялари билан ўзаро муносабатлари аниқ тартибга солинган.

Қонун лойиҳасининг муҳокамасида иштирок этган айрим ўртоқлар уни умуман қўллаб-қувватлаган ҳолда мандат комиссияси ва қўмиталар фаолиятига оид масалаларни қонун йўли билан тартибга солиш зарур эмас, деган фикрни билдирадилар.

Шу муносабат билан қуйидаги фикрни билдирмоқчиман: республика давлат ҳокимияти олий органи бўлмиш мандат комиссияси ва қўмиталарнинг ҳуқуқий мақомини айнан қонун ва фақат қонун мустаҳкам тарзда ҳимоя қила олиши мумкин. Қолаверса, масалаларнинг бошқа жиҳатларини ҳам унутмаслик лозим: мандат комиссияси ва қўмиталар тўғрисидаги Қонун агар қабул қилинса, барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар унда қайд этилган ҳамма қоидаларни бажаришга мажбур бўладилар, турли идоравий ҳамда ўзгача тарздаги қонунга оид ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан депутатлар уюшмаларининг ҳуқуқларини камситишга уринишлар бекор бўлиб қолади.

Қонун лойиҳаси бешта бўлим ва 76 та моддадан иборатдир. Лойиҳа барчангизга тарқатилган, шу сабабли унинг энг муҳим қоидалари хусусидагина тўхталиб ўтмоқчиман.

Қонун лойиҳасининг биринчи бўлимида мандат комиссияси ва қўмиталарнинг асосий вазифалари белгиланган. Бу вазифалар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ваколат доирасидан келиб чиқади. Мандат комиссияси ва қўмиталарни тузиш қоидалари аниқ тартибга солинган. Бу тартиб анча демократик кўринишдадир. Чунки тузилаётган қўмиталарнинг миқдори, унинг номланиши, қўмита аъзоларининг сони ва шахсий таркибига оид барча масалалар Олий Кенгаш ихтиёрида бўлади. Айни пайтнинг ўзида Олий Кенгаш исталган пайтда ушбу масалалар бўйича ўзи чиқарган қарорга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Қонун лойиҳасида мандат комиссияси ва қўмиталар фаолиятининг асосий йўналишлари батафсил баён этиб берилган. Улар иш юритишнинг усул ва услубларини ўзлари белгилайдилар, ошкоралик ва кенг ташаббускорлик асосида фаолият кўрсатадилар.

Комиссиялар ва қўмиталарнинг фаолиятида таркиб топган демократик тажриба тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон ССР бюджетини, йирик инвестиция дастурларини тасдиқлаш, ҳукуматни тузиш масалалари фақат комиссиялар ҳамда қўмиталарнинг тегишли хулосалари мавжуд бўлган тақдирдагина Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан ҳал этилиши назарда тутилади. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қўмиталари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — қонунчиликдир.

Қонун лойиҳасида комиссиялар ва қўмиталар томонидан юқорида таъкидлаб ўтилган барча масалаларнинг изчиллиги ва ҳал этилиши қоидалари аниқ тартибга солингандир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу масалаларнинг барчаси Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши учун ҳам, бутун халқ учун ҳам биринчи даражадаги масалалардир.

Давлат идоралари фаолиятидаги демократия — бу процедуралар, яъни турли тартиб-қоидалардир, деган ибора бор. Бинобарин, турғунлик даврининг мафкуравий мезонидан воз кечилиши мамлакатимизда том маънода қонунлар тўфонига олиб келганлиги ҳам бежиз эмас. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, мандат комиссияси ҳамда қўмиталар фаолиятига оид тартиб-қоидаларнинг қонунлаштириб олиниши — қонунчиликка риоя этилишининг, берилган ваколатларни имкони борича тўлароқ рўёбга чиқаришнинг энг ишончли кафолати бўла олади. Шу сабабли ҳам биз қонундаги ана шу тартиб-қоидаларнинг бирма-бир таъкидлаб ўтилишига қарши бўлган депутатларнинг фикрига қўшила олмаймиз.

Мандат комиссияси ва қўмиталарга берилган ҳуқуқлар қанчалик кенг эканлигини қуйидаги ҳоллардан ҳам билиш мумкин: улар бошқа ҳуқуқлар билан бирга қонун таклиф этиш ташаббуси билан чиқиш, Ўзбекистон ССР Президентига, Олий Кенгаш Раисига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши тузадиган ёки сайлаб қўядиган бошқа идораларнинг раҳбарларига, шунингдек, ўзга идораларнинг раҳбарларига сўров бериш, Ўзбекистон ССР ҳукуматига таклифлар билан кириш ҳуқуқларига, бошқа бир қатор муҳим ваколатларга эгадирлар.

Қонун лойиҳасида мандат комиссияси ва қўмиталар ишини ташкил этиш, уларнинг ўзаро муносабатларига оид тартиблар батафсил баён этилади. Мандат комиссияси ва қўмиталар раисларининг, раис ўринбосарларининг, котибларнинг вазифалари белгиланади.

Олий Кенгаш фаолиятида қўмиталарнинг аҳамияти тобора ўсиб боришини, яқин келажакда улар олдида муҳим вазифалар туришини ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасида қўмиталарнинг раислари ўз вазифаларини асосий ишларидан бўшаган ҳолда бажаришлари назарда тутилган. Қўмита раиси вазифасини корхона, муассаса, ташкилотдаги пул тўланадиган лавозим билан қўшиб олиб бориш эса таъқиқланади.

Лойиҳада комиссия ва қўмиталарнинг муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилиши кўзда тутилган. Қарор тавсиянома руҳида бўлади. Бу эса мандат комиссияси ва қўмиталар муайян масалаларни ҳал этиб, Олий Кенгаш ёки давлат бошқарув идоралари ишини бажаришни инкор этади. Айни пайтнинг ўзида лойиҳада шундай талаб ҳам қўйилади: Ўзбекистон ССР ҳукуматига, вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасаларга юборилган ҳар бир тавсиянома, албатта, кўриб чиқилиши керак ва кўриб чиқиш натижалари ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида белгиланган муддатдан кечиктирмай мандат комиссияси ва қўмитага маълум қилиниши шарт.

Давлат ва жамоат идоралари ҳамда ташкилотларнинг вакиллари комиссия ёки қўмиталарнинг таклифига биноан уларнинг мажлисларига келишлари ҳамда кўриб чиқилаётган масалага оид барча зарур тушунтиришларни тақдим этишлари шартлиги қонун лойиҳасида қайд этилган. Нотўғри ахборот берганликлари ёки комиссия ҳамда қўмиталарга зарур материалларни ўз вақтида тақдим этмаганликлари учун раҳбарлар Қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ҳурматли халқ депутатлари! «Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг мандат комиссияси ва қўмиталари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини сизнинг муҳокамангизга тақдим этар эканмиз, унинг қабул қилиниши нафақат депутатлар уюшмасининг фаолиятини, балки умуман Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг фаолиятини яхшилаш йўлида муҳим қадам бўлиб қолади, деб ўйлаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Б. МАХСИТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Баҳодир Махситов ўз розилиги билан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР БАЪЗИ ВИЛОЯТЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДЛАРИНИНГ ТАРКИБИДАГИ АЙРИМ ЎЗГАРТИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўртоқ Рустамов Низом Шокирович ўз розилиги билан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар судининг аъзоси ва мазкур суд раёсатининг аъзоси вазифаларидан озод қилинсин.

2. Бобоназаров Баҳрон — Қашқадарё вилоят судининг аъзоси;

Мухторов Муҳаммад — Бухоро вилоят судининг аъзоси;

Премқулов Рустамжон Раҳматуллаевич — Тошкент шаҳар судининг аъзоси;

Умматов Қаҳрамон Кенгашевич — Жиззах вилоят судининг аъзоси;

Ҳамидов Собиржон — Бухоро вилоят судининг аъзоси вазифасидан озод қилиниб, Фарғона вилоят судининг аъзоси этиб сайлансинлар.

3. Алмаматов Холмўмин — Жиззах вилоят суди раёсатининг аъзоси;

Саидов Карим Усмонович — Тошкент шаҳар суди раёсатининг аъзоси;

Турсунов Маъripжон — Андижон вилоят суди раёсатининг аъзоси этиб тасдиқлансинлар.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

ЎРИМ ҚИЗҒИН

Қизилтепа райони ғалла зорларида ўрим бошланди. Бу йил ғаллакорлар 945 гектар майдондаги ризқ-рўзимизни йиғиштириб олишлари керак. Айни кунларда хўжаликларда 26 та комбайн юксак унум билан ишлатилянти. Шуниси қувончлики, бу ерда ҳар куни 95—100 гектар майдондаги ҳосил ўриб-янчиб олинмоқда. Ҳосилдорлик ҳам ёмон эмас. Ҳар гектар майдондан 25—30 центнери такил этяпти.

Райондаги «Ленинград», А. Навоий номли, «Ўртачўл юлдузи» хўжаликларида ғалла ўримига биринчилардан бўлиб киришилган эди. Айниқса, «Меҳнат-роҳат», «Москва», «Бухоро» ва Ленин номли жамоа хўжаликларида бу иш қизғин. Бу хўжаликларда ҳар гектар майдондан олинаётган ҳосил 30—33 центнерга етяпти.

Район хўжаликларида жумҳуриятимиз Президентининг «Республика қишлоқ аҳолисини овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида» қабул қилган Фармонини бажариш юзасидан асосий ишлар бошлаб юборилди. Яъни ўриб олинаётган арпа ва буғдой донининг маълум қисми аҳолига сотилмоқда.

Б. МАНСУРОВ.







БЎЛИҚ БОШОҚЛАР

Ўзбекистон ССР халқ депутати Раҳматулла Омонов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясидан қайтиб келганда ўзи раҳбарлик қилаётган Қамаши районидаги К. Маркс номли жамоа хўжалигида қизғин иш устидан чиқди. Бу ерда ғалла ўрими бошланибди. Миришкорлар бу йил 12 минг гектар майдонда буғдой ва арпа етиштиришди. Бу хўжалик райондаги ғалла етиштирувчи энг йирик жамоалардан бири.

Айни кунларда хўжалик далаларида 65 ўрим комбайни юксак унум билан ишлатилмоқда. Бу ўз-ўзидан хирмонда ўз аксини топмоқда. Ҳозирча бу ерда кунига 1300 тоннадан дон ўриб-янчиб олинмоқда. Ҳосилдорлик ҳам баланд. Ғаллакорлар бу йил режадаги 11 тонна ўрнига 21 минг тоннадан энёд дон янчишга аҳд қилишди. Даладаги бўлиқ бошоқлар шундан далолат бериб турибди.

Суратларда: 1. Хўжалик директори Раҳматулла Омонов комбайнчилардан Ҳайитмурод Ҳушвақтов, Суяр Жуманов ва бўлим бошлиғи Ҳолмўмин Обиров билан. 2. Омбор тўла тўкилди дон. 3. Дон ўрими қизғин.

Б. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КОТИБИЯТИДА

Яқинда КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко раёслигида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Марказий Комитет Котибияти мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда иш олиб бораётган шаҳар партия комитетларидан, бирининг фаолиятини умумлаштириш зарурлиги тўғрисидаги таклифлар ҳисобга олинди. Мажлисда Украина Компартияси Кременчуг шаҳар комитети иши муҳокама қилинди.

Мажлисда шаҳар партия комитетининг ҳозирги кескин шароитдаги фаолиятига хос асосий йўналишлари ҳақида батафсил сўз юритилди. Улар нималардан иборат? Биринчидан, бу — бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш, уларнинг сафларини ва интизомини мустаҳкамлаш, барча даражадаги сайлаб қўйилган органлар таркиби фаолиятини кучайтириш. Иккинчи йўналиш одамларнинг кайфиятига партиявий таъсирни кучайтириш билан боғлиқ. Учинчидан — ишлаб чиқариш орқали шаҳарликларнинг ижтимоий-маиший ва маданий турмуш даражаси оширилишига партия таъсирини тиклашдир.

Мажлисда Кременчуг коммунистларининг кайфияти умуман кескин танқидий деб баҳоланди. Бу кайфият, деб таъкидланди унда, ўзини-ўзи танқид, ўз камчиликлари ва нуқсонларини кўра билиш билан қўшилиб кетган. Бу эса шаҳар партия комитети шаҳар ҳаётига таъсирини кучайтиришга, жамоат ишларида ҳар бир бошланғич ташкилотнинг фаоллигини оширишга қодирлигининг гарови деб ҳисобланди.

Ҳозирги вақтда турмушни барқарорлаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат муҳим ва қимматлидир, деб уқтирилди мажлисда. Шу сабабли бу йўлда дастлабки сезиларли қадам қўйган Кременчуг шаҳар партия комитетининг намунаси бошқа шаҳарлар ва районларда ҳам билишга арзийдиган намунадир. Зўр бериб, қатъият билан қилинган ишларнинг бундай намуналари қанчалик кўп бўлса, тангликдан чиқиш имкониятлари шу қадар кўпроқ бўлади.

Мажлисда кадрлар билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

• МАФКУРА ВА ҲАЁТ

МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Ўзбекистон Компартияси XXII съездида кадрлар салоҳиятини ошириш масаласига катта эътибор берилди. Бу табиийдир. Ҳозирги пайтда жамиятимиз олдида турган мураккаб вазифаларни билимдон кадрлар муваффақиятли ҳал эта оладилар. Партия, совет ва идора-ташкилотларнинг ходимлари ўтмиш ва замонавий билимни, юксак инсоний маданиятни қанчалик чуқур ўргансалар, вазифалар шунчалик тез ҳал этилади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг Марксизм-ленинизм университетида битирувчиларга диплом топшириш маросими ўтказилди.

— Бу йил университетимизни 600 тингловчи битириб чиқди, — дейди дорилфунун ректори Саида Йўлдошева. — Тингловчиларимиз сиёсатшунослик, янгича сиёсий тафаккур, ишлаб чиқаришни бошқариш ва бозор муносабатларига ўтиш муаммолари бўйича лекциялар тинглашди. Муомала маданиятига оид алоҳида курс ўқитилди.

Тошкент олий ўқув юртларининг етакчи профессор-ўқитувчилари, иқтисодчи олимлари биз билан ҳамкорликда ишлашмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш, халқнинг моддий-маънавий турмушини яхшилаш борасида жумҳурият раҳбариятининг собитқадам фаолияти машғулотларнинг бош мавзуи бўлди. Ўзбекистон Компартияси XXII съездида ишлаб чиқилган дастурий ҳужжатларни амалга оширишда партия ташкилотларининг ташаббускорлиги масаласи атрофлича таҳлил этилди.

Сўнгги вақтда ўқув жараёнини уюштиришнинг ташкилий томонларига эътиборни кучайтираётганлигимизни ҳам тилга олиб ўтиш жоиздир. Тингловчиларни дорилфунунга қабул этишда уларнинг ҳоҳиш-истаги инобатга олинди. Кутубхона бойлигини янада тартибли бўлишига эришилди. Машғулотлар ҳар бир группа учун ҳафтанинг маълум кунларида ўтказилди.

Битирув маросимида тингловчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Дорилфунунда машғулотларни олиб бориш ва уни қайта ташкилий тузиш юзасидан янгича қадамлар қўйилади. Шубҳа йўқки, кадрларнинг билимларини оширишга бизнинг дорилфунунимиз муносиб ҳисса қўшаверади.

Ҳ. СУЛТОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• СССР Вазирлар Маҳкамасида

ҲОСИЛНИ ҚАЙТА ИШЛАСАК—УЧ ҲИССА КЎП МАҲСУЛОТ ОЛАМИЗ

Даладаги ҳосил эмас, дастурхонга етиб келгани ҳисоб эканлиги аллақачон аниқланган. Таваккалига деҳқончилик билан шуғулланиладиган кўпгина мамлакатларда биздагидан кўра кўпроқ ҳосил олинмаса ҳам фуқаролар дастурхонига анча хилма-хил ва ҳуштаъм маҳсулот етказиб берилмоқда. Совет Иттифоқида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кўпдан буён жуда орқада қолиб келмоқда. Қайта ишлаш саноати ривожланган мамлакатларда аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиш ҳозир 90 фоизга етаётган бўлса, бизда бундан 3 ҳисса кам.

Озиқ-овқат саноатида энг янги технологияларнинг қўлланилиши ҳам юқори самара беради. Қўшма Штатларда шу йўл билан қишлоқ хўжалигида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаб, истеъмолчи дастурхонига етказиб бериладиган масаллиқлар қиймат жиҳатидан 3-3,5 баравар ортиқдир. Бизнинг мамлакатимизда эса бундай «қўшимча» бор-йўғи 15-18 фоизни ташкил этади. Нега?

Қайта ишлаш саноатининг моддий-техникавий базаси ҳаддан ташқари қолоқлиги бундай аҳволнинг асосий сабабидир. Кўпгина гўшт комбинатлари, қанд заводлари, қандолатчилик фабрикалари инқилобдан аввал ва дастлабки беш йилликлар даврида қурилган. Озиқ-овқат корхоналарида ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг 40 фоизидан кўпроғи ўз хизмат муддатидан 1,5-2 ҳисса ортиқ ишлатилмоқда, ҳар тўрт корхонанинг бирини янгилаш зарур. Бироқ корхоналарни янгилаш йилига 4 фоиздан ошмаяпти. Қайта ишлаш корхоналаридаги ҳар уч кишининг бири қўл меҳнати билан машғул.

СССР ҳукуматининг деҳқончилик-саноат мажмуи қайта ишлаш тармоқларини тубдан янгилашга оид асосий қарорлари 1987 йилнинг ноябрида қабул этилганлиги маълум. Шу қарорларда 1995 йилгача 36,8 миллиард сўмлик асбоб-ускуна, шу жумладан машинасозлик мажмуида 9,7 миллиард сўмлик, деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналарида 4,4 миллиард сўмлик, мудофаа мажмуи корхоналарида 17,5 миллион сўмлик асбоб-ускуна ишлаб чиқарилиб, деҳқончилик-саноат мажмуи қайта ишлаш тармоқларига етказиб берилиши кўзда тутилган эди.

СССР Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги мажлиси шу қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш масалаларига бағишланди.

1988—1990 йилларда мудофаа ва машинасозлик мажмуаларининг корхоналарида СССР ҳукуматининг шу масала юзасидан қабул этилган қарорларига мувофиқ деҳқончилик-саноат мажмуи қайта ишлаш корхоналари учун асбоб-ускуна ишлаб чиқариш кўпайган бўлишига қарамай, бу тармоқларни замонавий технология асбоб-ускуналари билан таъминлаш сифат жиҳатидан яхшиланмаганлиги қайд этилди. Бундай асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари ҳамон ҳақиқий эҳтиёждан анча орқада қолмоқда. Айрим турдаги машина ва агрегатларни ишлаб чиқариш мажбуриятлари бажарилмаётганлиги, технология линиялари бутлаб етказиб берилмаётганлиги, хўжалик шартномаларини тузишдан бўйин товланаётганлиги, кўплаб ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар истеъмолчилар билан келишмай туриб ишлаб чиқаришдан олиб ташланаётганлиги аҳволни баттар чигаллаштирмоқда.

Саноатнинг мудофаа тармоқлари, машинасозлик ва агросаноат мажмуалари вазирликлари кўп ҳолларда янги техникани яратиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда ҳаддан ташқари сусткашлик қилмоқдалар, энг муҳим ишланмаларни ниҳоясига етказишни энг охирги муддатларга кетма-кет суриб юбормоқдалар. СССР Давлат фан ва технология комитети, СССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва СССР Молия вазирлиги шу вақтга қадар 1991 йилда асбоб-ускуналар яратишга оид илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини пул билан таъминлашнинг ҳамма масалаларини ҳамон ҳал этмаганлар.

Саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун етказиб берилган асбоб-ускуналардан жойларда қониқарли фойдаланилмаётганлиги катта ташвиш уйғотмоқда. Деҳқончилик-саноат мажмуининг корхоналари ва қурилиш ташкилотлари асбоб-ускуналарни ишга туширишни муддатларини узлуксиз барбод қилиб келмоқдалар, бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган қувватлар йўқлиги сабабли ҳосилнинг анчагина қисми нобуд бўлаётган ва истеъмолчиларга етиб бормаётган бир пайтда мазкур асбоб-ускуналарнинг омборларда тўпланиб қолишига олиб келмоқда.

Бунга кўп жиҳатдан шу нарса сабаб бўлмоқдаки, иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари мазкур муаммоларни ҳал этишга дурус эътибор бермаяптилар, қайта ишлаш корхоналари ва цехларини устун даражада ривожлантиришни таъминлаяптилар. Чунончи, 1991 йил 1 январигача фойдаланилмаётган асбоб-ускуналар миқдори 1,5 миллиард сўмликка етди, бу эса аслида мудофаа мажмуи корхоналари томонидан қайта ишлаш тармоқлари учун бир йил давомида ишлаб чиқариладиган технология асбоб-ускуналари миқдорига тенг келади.

СССР Вазирлар Маҳкамаси 1991 йилги ҳосилни имкони борича тежаб, шу тариқа аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш учун шароит яратишга алоҳида катта аҳамият бериб, бу йил республика ва маҳаллий идораларнинг, деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари ва ташкилотларининг, қурилиш-монтаж ташкилотларининг ҳамда асбоб-ускуна етказиб берувчи корхоналарнинг кучғайратларини қишлоқ хўжалик маҳсулотини имкони борича тўла ҳажмда қайта ишлайдиган қувватларни ишга туширишни таъминлашга сафарбар этиш зарур, деб ҳисоблайди.

СССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигига республикаларнинг ҳукуматлари билан, СССР Моддий ресурслар вазирлиги ва асбоб-ускуна етказиб берувчи вазирликлар билан биргаликда деҳқончилик-саноат комплекси қайта ишлаш тармоқларининг 1991 йилда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш учун шу йил ишга туширилиши мумкин бўлган қурилишлари рўйхатини икки ҳафта муддат ичида аниқлаш ва улар учун асбоб-ускуна етказиб бериш ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг графигини тасдиқлаш топширилди.

Шу масалаларни ҳал этганда тегишли маҳаллий идоралар, қайта ишлаш корхоналари ва қурилиш ташкилотлари қувватларни ўз вақтида ишга туширишга тайёрликни тасдиқлаганларида мазкур қурилишлар барча зарур моддий-техникавий ресурслар билан биринчи галда таъминланиши лозимлигига асосланиб иш тутилсин. Мазкур вазифани амалий равишда рўёбга чиқариш учун ишга туширилиладиган ҳар бир иншоотда қурилаётган корхоналарнинг, қурилиш ташкилотларининг ва асбоб-ускуна етказиб берувчи корхоналарнинг вакилларидан иборат тезкор гуруҳлар тузилсин.

СССР Бош вазирининг ўринбосарлари Ф. П. Сенько ва Ю. Д. Маслюковга иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда бу йил ишга туширилиладиган қувватларнинг қуриб битказилиши устидан назорат ўрнатиш ва тегишли иншоотларни қуриш давомида вужудга келадиган масалаларни зудлик билан ҳал этиш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматларига қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ва сақлаш учун давлат капитал маблағи ҳисобидан қурилаётган иншоотларни сотиш ёки топшириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, ҳал этиш тавсия қилинсин. Башарти буюртмачи мазкур иншоотларни қуриш ва ишга туширишни пайсалга солсаю саноат корхоналари ва бошқа корхоналарнинг ҳамда ташкилотларнинг меҳнат жамоалари уларни шу йил фойдаланишга топширишни таъминлаш мажбуриятини зиммасига олса, мана шундай қилмоқ керак.

Ф. П. Сенько, Ю. Д. Маслюков, В. И. Черноиванов ва Г. Б. Строгановларга иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари иштирокида деҳқончилик-саноат мажмуи қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришда ва техникавий қайта жиҳозлашдаги устун йўналишларни алоҳида ажратиш, бунда асбоб-ускуна ишлаб чиқувчилар ва тайёрловчиларнинг кучлари ҳамда воситаларини тегишли тармоқларнинг замонавий технология асбоб-ускуналарига бўлган эҳтиёжларини тезроқ қондириш мақсадида бир жойга жамлаши, бунинг учун зарур чора-тадбирларни кўришни, СССР ҳукуматининг қарори талаб қилинадиган масалалар юзасидан эса таклифлар тақдим этишни назарда тутиш вазифаси топширилди.

Фермерлик ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун керакли машиналар ва қайта ишлаш асбоб-ускуналари яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиш ва заруратга қараб уларни ишлаб чиқаришнинг амалдаги дастурига аниқликлар киритиш таклиф этилди.

СССР Давлат фан ва технология комитети ва СССР Молия вазирлиги СССР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 майдаги 268-сон қарорини эътиборга олиб, 1991 йилда деҳқончилик-саноат мажмуининг қайта ишлаш тармоқлари учун асбоб-ускуналар яратиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини пул билан таъминлаш тўғрисида саноатнинг мудофаа тармоқлари вазирликлари раҳбарлари мажлисда кўтарган масалани ҳал этишлари лозим.

СССР Иқтисодиёт ва истиқболни аниқлаш вазирлиги, СССР Молия вазирлиги ва Иқтисодий ислоҳот давлат кенгаши иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари иштирокида деҳқончилик-саноат мажмуининг қайта ишлаш тармоқлари иншоотларида лойиҳа, қурилиш-монтаж ва ишга туширишсозлаш ишларини амалга ошираётган корхона ва ташкилотлар учун, шунингдек мазкур тармоқларга керакли технология асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаётган ва тайёрлаётган корхона ҳамда ташкилотлар учун имтиёзли солиқ солинишини ва бошқа иқтисодий рағбатлантириш омилларини белгилаш тўғрисида давлат ҳарбий-саноат комиссияси билан СССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кўтарган масалаларни кўриб чиқишлари керак. СССР ҳукуматининг қарорлари талаб қиладиган масалалар юзасидан таклифлар тақдим этилсин.

СССР Вазирлар Маҳкамаси РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари В. Н. Лобовнинг республика ҳукумати СССР Мудофаа саноати вазирлиги ва Свердловск вилоят ижроия комитети билан биргаликда Серово механика заводида йилига 10 мингта совутиш машинаси ишлаб чиқарадиган қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, зарур чора-тадбирларни қабул этади, деган баёнотини маълумот учун қабул қилди.

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви»

ДУНЁ КЎРГАН ОДАМ

Абдулрауф Мақсудий Марғилонда туғилган. 13 ойлик гўдак чоғида ота-онаси билан Афғонистонга жўнаб кетишган. Ҳозир 59 ёшда. Эски иборада айтсак, «заводчи бой» бўлган, Афғонистонда у қурдирган корхоналар ҳозир ҳам ишлаб турибди. Сўнгги йилларда онаси билан Нью-Йоркда яшамоқда, бу ерда унинг катта дўкони бор. У савдо-сотиқ ишлари билан банд.

Абдулрауф ака ишбилармонлар даврасида иштирок этмоқда, у бу йиғинни ўтказиш ташкилий комитети аъзосидир. Саволлар мазмуни жавоб маҳзига сингиб кетгани учун уларни алоҳида ёзиб ўтиришга эҳтиёж қолмади.

— Мен аждодларим юртига яхши ният билан келдим, ошкоралик замонасининг шарофати билан киндик қонимни тўкилган заминга биринчи бор 1990 йилнинг октябрь ойида қадам қўйган эдим. Не бахтки, бугун яна юртим билан дийдор кўришиш насиб этди. Тошкент анжуманига мен кўнглимга икки ниятни тугиб келганман. Биринчидан, Ўзбекистонда, айниқса қишлоқларда кичик-кичик корхоналар қурсак дейман, биз шу хайрли ишга сармоя сарфлашимиз, ҳамюртларимиз билан ҳамкорлик қилишимиз мумкин бўлади. Иккинчидан эса иқтисодиёт учун замонавий мутахассислар тайёрлашда кўмак бермоқчимиз. Мен ва ўғлим Фарид шу мақсадда Америка-Ўзбекистон корпорациясини туздик. Яхши ниятлар мол, дейдилар-ку, шояд эзгу орзуларимиз кушодини кўрсак.

Сиз муаммолар ҳақида сўраяпсиз, майли, айтай. Сармоядор борки, ўз пули, маблағининг муҳофаза этилишини истайди. Асли, сармоягузарлик қилган, яъни хорижда бирор-бир тадбирга пул, маблағ сарфлаган одам хотиржам бўлиши керак, яъни ҳокимият у «чув тушиб» қолмаслигига кафолат бериши лозим. Дунё озод бозори ҳам шуни талаб этади. Бир мисол айтиб ўтай: ҳозир биз Голландиядаги «Филлипс» компанияси билан бир масала хусусида маслаҳатлашиб турибмиз. Ушбу компания билан биргаликда видео, радиоаппаратуралар ишлаб чиқарадиган заводлар қуриш мумкин бўлур эди.

Жумҳурият Президенти Ислом Каримов кўп хайрли ишларни бошлаган. Президент жанобларининг саъй-ғайратлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Биз у мўътабар зотнинг нутқларини Америкада ҳам катта эътибор билан ўқиб бормоқдамиз. Бу ерда содир бўлаётган барча янгиликлардан хабаримиз бор десак бўлади. Дарҳақиқат илгари ўзбеклар ўз ҳақини даъво қила олмаган эди. Ўзбек моли ўзбек номидан сотилмаган.

Янги қонунлар ҳақида сўраяпсиз. эштдим. Олий Кенгаш ташқи иқтисодий фаолият ва чет эл инвестициялари ҳақида қонунлар қабул қилибди, биз буларни ҳам диққат билан ўрганиб чиқамиз, албатта. Умидворимизки, ушбу қонунлар тез орада амал қила бошлайди. Ана шунда чет эллик сармоядорларнинг ҳам қўли узун бўлиб қолади.

СССРга келиш ҳужжатларини, яъни визани олишда, афсуски анча қийинчиликлар бор. Оворагарчилик кўп, бебаҳо вақт бекорга лое кетмоқда, бу мушкулларни осон қилиш лозим бўлади.

Сиз айтмоқчи, замонавий мутахассислар ва тил хусусида тўхталсак: булар асосий, туб масалалардир. Энг янги техника ва технологияни бошқара оладиган, иқтисодиёт, савдо, молия муаммоларини пухта биладиган одамларни университетларда 5—6 йил ўқитиш керак. Тажриба шундан далолат бериб турибдики, бир ой, борингки, то 6 ойгача бўлган ўқув-ўрганувдан дурустроқ наф чиқмайди. Ҳамюртларимга яна шуни айтмоқчиманки, жаҳон тили бўлган инглизчани болаликдан, ёшликдан ўрганиш керак, бусиз эса замонавий иқтисодиётни бошқариб бўлмайди.

Биз Ўзбекистондаги ишсизлик ҳақида эшитганмиз, матбуотнинг ёзишича, ўлкада ҳозир 600 мингдан 1 миллионгача ишсиз бор (рўзномаларда, ойномаларда ҳар хил рақамлар тилга олинмоқда). Ўзбекистон ҳукумати катта куч-ғайрат сарфлаб, бу муаммони ҳал этишга ҳаракат қилмоқда, биз ҳам бунга ўз улушимизни қўшсак, деган пок ниятимиз бор. Иқтисодиётни таг-замини билан қайта қуришда Ўзбекистон аҳлига омад ҳамроҳ бўлаверсин.

* * *

Суҳбатимиз якунида мен «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» матбуот гуруҳи ходимлари номидан Абдулрауф акага Алишер Навоий «Илк девони» қўлёзма матнидан нусха кўчирилган китобни армуғон этдим.

— Эски китобларда ҳикмат кўп, — деди муҳтарам меҳмонимиз.

Халқаро ҳамкорликнинг ҳикмати ҳам кўпаяверсин, деб қўшиб қўйдим мен.

А. АБДУҚОДИРОВ.
ЎзТАГ мухбири.

«БОБУРНОМА»ДА ТИЛГА ОЛИНГАН ТЎҚҚИЗ АРИҚ

Аслида Андижон шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Омонилло Отабоевни қидириб, шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши идорасига борган эдим. Биринчи котиб «Девонабой» мачити қариялари билан мулоқот ўтказаётган экан.

Менга ҳар ойда бир марта шундай мулоқот ўтказиш қатъий қилиб қўйилганлигини айтишди. Анъанавий суҳбатда шаҳар ижроия қўмитаси раисининг қурилиш ишлари бўйича муовини Абдуллажон Собиров, жумҳурият меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси Андижон вилот уюшмаси раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Сайфутдин Турсунов, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси қошидаги Андижон «Саводи аъзам» ҳайрия уюшмаси раиси Оқифхон хожи Абдусалом ўғли ва бошқа оқсоқоллар қатнашдилар.

Суҳбат мавзуи жуда муҳим: қандай қилинса Андижон шаҳри обод бўлади, бу ишга ким қандай ҳисса қўшади? «Бобурнома»да ёзилишича, ўтмишда Андижон шаҳрига тўққиз ариқдан тўққиз тарнов сув кирган. Мулоқот қатнашчилари ана шу ариқларни ҳашар йўли билан тиклашга азму қарор қилдилар. Бу ҳайрли ишга «Девонабой» мачити қариялари ҳам ўз улушларини қўшадиган бўлишди. Андижон шаҳар ижроқўмига биринчи галда тикланадиган ариқни аниқлаб, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш топширилди. Бир ойдан кейин бўладиган навбатдаги мулоқотда топшириқнинг бажарилиши ва шаҳарни ободонлаштириш ишига ким қандай ҳисса қўшгани масаласи кўрилади...

Мулоқот чоғида Оқифхон хожи Абдусалом ўғли билан сухбатлашдим. Унинг айтишича, «Девонабой» мачитида таълим олаётган икки юздан зиёд муллавачча шаҳардаги «Ғалаба» шоҳ кўчасини доимий оталиққа олдилар. Улар ҳар жума куни қўлларига белкурак, кетмон олиб, ободончилик ишлари билан шуғулланадилар.

Шаҳар коммунал хўжалиги идораси ҳиммати баланд ҳашарчиларга чиқинди ташигани махсус машина биркитиб қўйди. Шунингдек, йирик ташкилотлар, идоралар биттадан кўчани оталиққа олиб, уни обод қилишга киришдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● **ФАРҒОНА. Меҳнат ва уруш фахрийси Юсуф ота Нишонов кексалик гаштини сураётганлардан бири. Отахон тинib-тинчимас кексалардан. У қишлоқ бозори қўмитаси раиси, Ровон қишлоқ Кенгаши депутати, ёшларнинг яқин маслаҳатчиси. Қишлоқда турмуш маданиятини яхшилаш, хонадонларга табиий газ келтириш, бозорнинг ҳамиша тўкин-сочин бўлишига эришиш йўлида қилинаётган хайрли ишларда отахоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.**

Суратда: Юсуф ота болалар даврасида.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ МУАЛЛИМЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991—92 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— **миллий мактабларда рус тили ва адабиёти** — мактабни она тилида битирган шахслар учун;
— **рус мактабларида ўзбек тили** — мактабни она тилида битирган шахслар учун;
қўшимча ўзбек тилидан рус тилига ва рус тилидан ўзбек тилига таржима қилувчи таржимон ихтисоси билан рус тили ва адабиёти;
— рус тили ва адабиёти — мактабни рус тилида битирган шахслар учун.

Барча ихтисослар бўйича ўқиш муддати — 5 йил.

Олий билимгоҳга қабул қилиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта ёки олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар ёки уларнинг нотариус тасдиқлаган нусхаси, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Паспорт, ҳарбий билет ёки чақириқ гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ёзма).
— мактабни она тилида битирганлар учун — **диктант;**
— мактабни рус тилида битирган шахслар учун — фикрлаш элементлари бўлган **баён.**

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (оғзаки).
СССР ТАРИХИ.

Мактабни она тилида битирган шахслар учун уларнинг рус тилида сўзлаша олиш кўникмасини аниқлаш мақсадида ҳужжатларни қабул қилиш пайтида суҳбат ўтказилади, шунингдек ўзбек тили бўлимига қабул қилишда суҳбат пайтида абитуриентнинг ўзга тилда сўзлаша олиш кўникмаси текшириб кўрилади.

АРИЗАЛАР 25 ИЮНДАН 15 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 16 июлдан бошланади.

Мазкур олий билимгоҳга ҳужжатлар қабул қилиш масалалари бўйича қабул комиссиясига мурожаат қилинсин.

Олий билимгоҳ манзили: 700110, Тошкент шаҳри, 110-алоқа бўлими, Академик Решетов кўчасси, 4-уй, метронинг «Пахтакор» бекатидан 35-автобус, 20-маршрутли такси; метронинг «Чилонзор» бекатидан 20-автобус, 37-маршрутли такси билан «Адабиёт олий билимгоҳи» бекатигача борилади.

«ШАРҚ» МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ

сочилувчан маҳсулотларни полиэтилен плёнкаларга жойловчи автоматлар (7 бирлик), суюқ маҳсулотларни қуйиш учун яримавтомат, шлакоблоклар ишлаб чиқариш учун уч устунли исканжалар ва қурилмалар, пластмассаларни қайта ишлаш учун майдалаш мосламалари, ичдан пуфлаб шиширилган термопластавтоматлар, телескопик зиналар, исканжа-қолиплар ва бошқа ностандарт ускуналар.

Чет эл андазалари бўйича тупроқдан ғишт блоклари, 63, 125, 250 куб сантиметр ҳажмли қуйма термопластавтоматлар ва буюртмачининг чизмалари бўйича экструдерлар ишлаб чиқариладиган қурилмаларни тайёрлаб бериш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қуйидаги ихчам (мини) **заводларни тайёрлаш бўйича ҳам буюртмалар қабул қилинади:**

сабзавотлар ва меваларни қайта ишлаш ва консервалаш мини-заводлари; чет эл ва совет андозалари бўйича (буюртмачининг чизмалари асосида) колбаса, пишлоқ, нон тайёрлаш мини заводлари.

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 74-уй.

Телефонлар: 55-59-94, 54-95-51. Телефакс 8/3712.

«ШАРҚ» ҚЎПТАРМОҚЛИ КООПЕРАТИВИ.
«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АДАБИЁТ ИЛМГОҲИ

1991 йил учун

Кўпмиллатли совет адабиёти (кундузги, сиртқи) **СССР халқлари адабиёти** (кундузги), **адабиёт назарияси** (кундузги, сиртқи), **фольклор** (кундузги) **ихтисослари бўйича**

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул муддати — 1991 йил 1 сентябргача.
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй. Телефон 62-43-67.

• Болаларингизга ўқиб беринг •

НАВОИЙДАН ЎРГАНДИМ

Билимга эш бўлишни,
Яхшига хеш бўлишни,
Емондан паш бўлишни
Навоийдан ўргандим.

Сўз қадри-нархини,
Маъносининг шарҳини,
Миқдол-миқдол харжини
Навоийдан ўргандим.

Чин меҳнатла бойишни,
Сиҳатга мос ейишни,
Одоб ила дейишни
Навоийдан ўргандим.

Одамий соддаликни,
Одиллик фойдаликни,
Доимо ёддаликни
Навоийдан ўргандим.

Болтажон СОДИҚОВ.

ҚЎЗИЧОҚ

Қуралай кўз қўзичоқ,
Кўзлари мунчоқ-мунчоқ.
Менинг учун дунёда
Сен энг яхши овунчоқ.

Чўзиб-чўзиб маърашинг,
Ғоҳ мўлтираб қарашинг,
Сакрашларинг, ўзингга
Бирам кетар ярашиб.

Яйлов ҳавоси тоза,
Ўйнаб қиласан маза.
Сенинг билан яйловда
Яйрасам қандай соз-а!

Менда қўзи... йўқ бироқ,
Яйлов ҳам жуда йироқ.
Фақат расмингга қараб
Овунаман, қўзичоқ.

КАККУЖОН

Дарахтзорлар оралаб
Сайрашдан тинмайсан ҳеч.
Юракларни поралаб,
«Какку»лайсан эрта-кеч.

Ёки полопоиларинг
Излаб саргардонмисан?
Бошдан ташлаб, энди-чи!
Топмай, бағри қонмисан!

Какку, Какку, Каккужон,
«Какку»лайсан мунча ҳам.

ШАҚ-ШАҚ

Ким каттакон ин қурган
Боғимдаги теракка!
Деб қарасам, шақ-шақлаб
Жар солди бирдан ҳаққа.

Тиним билмай шақиллар,
Аямасдан у жонни.
Қўриқлар ниндаги
Тўртта жиш полопонни.

Файзи ШОҲИСМОИЛ.

• Аҳил оилалар даврасида •

ҚАДОҚ ҚЎЛЛАР

Ўзидаги яхши деб билган нарсани бошқаларга кўз-кўз қилишни биз қисқа қилиб «мақтаниш» деб атаймиз. Кимдир енгил машинасининг ранги оппоқлиги билан, яна кимдир «Панасонига» борлиги билан мақтанишни хуш кўради. Янгича либос кийиб чиққанда «муборак бўлсин!» демангчи, ойлаб ўпкасини босолмай юрадиганлар бор.

Яқинда Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигидан Норқувват Шаропов деган билан суҳбатлашиб қолдим. «Мақтаниш»ни ана ундан кўринг экан. Ҳар қайсиси Ҳасан кўлборнинг гурзисидай келадиган муштларини столнинг устига «торс» этказиб қўяди-да, панжаларини ёзади. Меҳнатда қотган кафтларидан, кафтларидаги ғадир-будир қадоқлардан миннатдор бўлиб, мақтаб гапира бошлагандан сўнг, асли олий маълумотли агрономнинг қора меҳнатга шунчалар меҳри баландлигидан ҳайратингиз ошади.

Норқувват ака тирикчиликнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларини яланг оёқ босиб ўтган одам. Олти ойлигида отадан етим қолди. Олтиетти ёшида қўлига тушиб қолган бир бурдагина зоғора нонни онасига илиниб, жанда чопонининг қўлтиғига маҳкам бекитиб қўядиган бўлди. Бешинчи синфни тугатиб, ўқишни йиғиштирди. Пахтада ишлайдиган темир ғилдиракли тракторнинг моторини совитиш учун сув ташиди. Колхозда ишлади. Ўн саккиз ёшида белини маҳкам боғлаб, якка ўзи Хотинробот даштида колхознинг 400 қорамолини боқди. Яйловдан қайтганда онаси Зулайҳо опанинг кўзига Норқувват бошқачароқ бўлиб кўринди: елкалари бир қулоч кенгайгандай, овози дағаллашган, қадамлари гурс, гурс...

«Шу сағирим ҳам одам бўлипти. Кўз тегмасин илоё», — пичирлади опанинг лаблари.

Чорванинг меҳнатидан Норқувватнинг ранги чиқиб қолди. Уйланди. Бойхон бобонинг (ўғай отасининг) қўлига беш-тўрт сўм келтириб берадиган бўлди. Укаларининг уст-бошини бутлади. Кечки мактабда, институтда ўқишга улгурди. Савдода, деҳқончиликда ва яна қайси жойларда ишлади. Қаерда ишламасин, қўрасини тўлдириб мол боқди.

Тўқсонинчи йилнинг бошида хўжаликнинг раиси Сулаймон Қобилов бир ўткирроқ мажлисдан қайтиб, тўғри Норқувват аканинг ҳузурига келди. Норқувват аканинг саломлашиш учун узатган қўлини бир пас қўйиб юбормай гаплашди.

— Фермер хўжалигини тузатмоғимиз керак. Муҳлат—тўрт кун. Жамоа топшириғи, — деди раис. — Бу ишни сиз эплайсиз. Мол сотиб олишингиз учун қарз берамиз, ем-хашак берамиз. Фақат «хўп» дейсиз, ака Норқувват!

— Мен сабзавотингизга бригадир бўлсам...

— Нима қипти?! — деди раис. — Фермани Рамазоннинг — ўғлингизнинг номига ўтказиб қўясиз. Занги бобонинг ўзлари қўлласин дейсизу, бир ишлаб берасиз энди.

— Рамазон... исмини ёзолмайди у, — деди Норқувват ака кулиб. Раиснинг боя «ака Норқувват» деган муомаласи унга хуш ёққан эди. — Ҳа, рост, Рамазон ўнинчи синфни битирган. Лекин ўн йил ўқиб, бир марта доскага чиқиб кўрмаганда. Унга «уч» баҳони босишгану, синфдан— синфга кўчириб қўяверишганда. Мана сизга қўшиб ёзиш. Ўргилдим шу замоннинг муаллимларидан, — Норқувват ака завқ билан кулди. Сўнг гапига изоҳ қилди. — Болалигида Рамазоннинг тоби қочувди. Шунданми, унга имлои—савод юқмайдиган бўлиб қолган. Лекин чорвани яхши танийди. Қўйнинг маърашидан неча ёшга кирганини айтиб беради.

— Бўпти-да. Молни семиртириш учун нима, «а» квадрат қўшув «в» квадрат деб унга маъруза ўқимайдилар-ку. Нима дедингиз ака Норқувват.

Раис унинг қўлини силкитди. Норқувват ака ҳам қўл силкиш билан жавоб қилди. «Э, бўпти» —деди.

Ўшанда жамоа хўжалиги Шароповнинг икки ўғлига— Рамазонга ва Тошболтага бир жойдан томорқа берганди, Раис билан қўл олишгандан сўнг Шаропов икки томорқани қўшиб, узунлиги қирқ метр, эни олти метрлик бостирма қурди. Банкдан қарз кўтарди. 50 минг сўмга мол сотиб олди. 12 минг сўмлик ем, 9 минг сўмлик хашак харид қилди. Ишлар юришиб кетди. Йил охирига келиб Шароповларнинг кичик фермаси давлатга ҳар бирининг ўртача тирик вазнини 500 килограмм қилиб 62 бош бўрдоқи топширди. Ундан келган даромадни айтинг — 150 минг сўмга яқин. Қарзни уздилар. Банкда шахсий ҳисоб очдилар. Яна 42 та мол сотиб олиб, қўрани тўлдирдилар.

Шароповлар ҳозир сигирларни кўпайтиришмоқда. Бултур улар давлатга 13 минг сўмга сут сотишди. Баҳор ойлари, хўжаликнинг сутчилик фермаси узоқ Тўйилтоғ яйловига кўчирилганда қишлоқлардаги мактабни ва болалар боғчасини сут билан Шароповнинг кичик фермаси таъмин қилиб турди.

— Сигирларимиз 20 тадан ошди. Энди мол сотиб олмаймиз. Бурдоқига боқадиган молни ўзимиз етиштирамиз, — дейди Норқувват ака. — Мен фермерман, мен кооперативман, деб бозорга қуйдек ёпишмаслик керак. Бозорни бойитишга ишлаш керак.

Шароповларнинг қўрасида 70 бош қорамол, элликкa яқин ушоқ (майда) мол бор. Бир чумчуққа ҳам сув керак, ҳам дон. Беихтиёр, шунча ташвиш оилани толиқтириб қўймаяптимикин, деган гап хаёлдан ўтади. Шу ўринда оила аъзоларининг номларини иншо этсак: Рамазоннинг кимлигини биласиз, у йигирма учни тўлдирди. Хат ўқий олмасада, сиёсатга қизиқувчан йигит. Телевизорнинг кўрсатувларини танлаб томоша қилади. Оиласи Гулчеҳрага, ўғли Алишерга бирам меҳрибон. Тошболта — Норқувват аканинг катта ўғли, Жамоа хўжалигида зироатчи. Бўш вақт топдими, укасининг ёнига шошилади. Оиласи Анорхол, мен мактабда ишлайман деб қараб турмайди. Уйда бўлса, резина этикни кийиб олади-да, молга қарайди. Овсини билан худди опа-сингилдай. Бири улгурмаган ишни иккинчиси бажариб кетаверади. Айирмачилик қилишмайди. Кичик ўғлонлар — Алиқул билан Исоқбой от минишга, кўпкари томошасига жазман. Минг ишласа ҳам улар чарчамайдиган одамлар, десак, ошириб юборган бўламиз. Лекин чарчоқ билан чарчоқнинг фарқи бор.

Асли чарчоқ нима? Асли чарчоқ умидлардан, ўктамликдан, қатъиятдан айри тушмоқ. Янги тонгни ҳадиксираб кутмоқ. Ишончни йўқотмоқ...

Шароповлар-чи? Меҳнаткаш одамлар. Ҳалол меҳнати билан обрўй орттирган, давлат орттирган одамлар. Мана Норқувват ака, қалин кўрпачада ёнбошлаб олиб, ҳов, келин ўлгир, буни қил, ҳов бола жувонмарг уни қил, деб бақиришни билмайди. Кўзига кўринган юмушни ўзи бажаради. Келинларини, моможоним, деб суяди. Ўғилларини, сен, деб жеркмайди. Улар билан кенгашиб, мастлаҳатлашиб иш тутади. Набираларининг ҳатто, келинларининг туғилган кунларини ёддан билади. Ўша кунни, албатта, битта тўхли (ёш қўй) сўйиб, вақтичоғлик билан нишонлайдилар. Бир-бирлари билан шунчалар аҳил, шунчалар муомалалари ширин...

— Бу дунёни манманлик, дағал сўз бузади, — дейди Норқувват ака устара билан қирилган юм-юмалоқ бошидан телпагини олиб қўйиб.— Навоий бобо айтганлар-ки:

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар.
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

Лекин, биласизми, яна нима?! Аҳиллик риштасини меҳнат пиширади. Қайси улус аҳил бўлса, билингки, ўша меҳнатдан қочмайдиган, меҳнаткаш улус.

Норқувват Шаропов гап юритишни билмайди. Қўша дипломини пеш қилиб лавозим сўрамайди. Мукофот, имтиёз таъма қилмайди. Фарзандларининг, укаларининг тиш ёриб бировга ёмон сўз айтмаслигини яхши билади. Эсонлик-тугаллик бўлсин. Шу қадоқ қўллари соғ бўлсин. Шунинг ўзи мартаба. Шунинг ўзи ҳикмат. Норқувват аканинг жасади залварликкина. Суяги қушдай енгил. Оёқ учида юради. Бир гапириб, ўн кулади. Тумов нималигини билмаслигидан шукур қилади. Бу — меҳнатдан.

Бойхон бобо 92 ёшга кирди. Қўйларига ҳали ҳам ўзи қарайди. Фақат Норқувват эмас, бошқа ўғиллари — Бойбута, Исмоил, Чори, Панжилар ҳам ўзларидан униб қолишди. Уларнинг ўзаро бориш-келишлари қуюқ. Ҳамсоя — овул билан муомалалари қуюқ. Ўғиллари кенг даврани тўлдириб, чақчақ суҳбат қуришганини кўрганда Бойхон бобо бир яшаради. Бу ҳаммаси — ҳалол меҳнатдан.

Норқувват ака панжаларини ёзиб, кафтларидаги қадоқларни завқи тошиб мақтайди. Беҳудага эмас-да бу, ахир.

О. УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● СССР халқлари ёзги X спартакиадаси мусобақалари тобора қизғин тус олмоқда. Айниқса, Белоруссия пойтахтида самбо кураши бўйича ўтказилган баҳслар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Жумҳуриятимиз полвонлари ҳам совринли ўринларни эгаллаб, мухлисларни қувонтиришди. Чунончи, хотин-қизлар мусобақасида иккита бронза медали қўлга киритилган эди. Йигитларимиз ҳам бўш келишмади. Жумладан, Рудольф Ким билан Ғофир Турдиев спартакиаданинг бронза медали совриндори бўлишди. Улуғбек Шомирзаев кўксига кумуш медаль тақди. Феруз Аъзамов эса Ўзбекистондан биринчи бўлиб, спартакиада чемпиони бўлди.

● Москвада енгил атлетика бўйича ака-ука Знаменскийлар хотираси учун ўтказилган анъанавий мусобақада ҳам вакилларимиз яхши натижага эришдилар. Таниқли спортчи Виктор Зайцев тўқмоқни 80 метрга улоқтириб, кумуш медаль соҳиби бўлди. Тўсиқлар оша югуриш устаси Сергей Усов 100 метрлик масофада маррага учинчи бўлиб келди. Костя Семёнов 5 метр 70 сантиметрлик маррани эгаллаб, жумҳуриятимизда лангар билан сакраш усталарининг издошлари кўпайиб бораётганлигини кўрсатди. У мусобақанинг олтин медалига эга бўлди. Тажрибали югурувчи Марина Шмонина 400 метрлик масофани 52,22 минутда босиб ўтиб, ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилди.

● Бугун олий лига командалари мамлакат чемпионати дастлабки даврасининг сўнгги тур ўйинларини ўтказишади. «Пахтакор» футболчилари «Металлург» жамоасини қабул қилишади. Пахтакорчилар жамоаси раҳбарлари таркибида бироз ўзгаришлар бўлди. Жумладан, О. Бугаев пахтакорчилар мураббийсига ёрдамчилик қилади. Илмий ишлар бўйича тренер бўлиб турган А. Толибжонов жамоа бошлиғи этиб тайинланди.

Мингбулоқ қадимий қишлоқлардан саналади. Мутахассислар Комсомолобод районидаги бу қишлоқнинг тарихини қариб 500 йил, деб таърифлашмоқда. Мингбулоқ йилдан-йилга ободонлашиб бормоқда. Бу ерда 18 миллат вакили истиқомат қилади. Қишлоқ дўконлари ва бозори ҳамиша гавжум. Маиший хизмат кўрсатиш уйи фойдаланишга топшириш учун тахт қилиб қўйилган. Қишлоқ фаоллари ва хўжалик раҳбарларининг ташаббуси билан Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамқишлоқлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида Шоншуҳрат музейи барпо этилмоқда.

Суратда: (чапдан ўнгга) уста Юнусбой Сўпижонов, Мирзаахмедов номли давлат хўжалиги директори маданий ишлар бўйича муовини Қурбонали Абдужабборов, уста Раҳмонали Маллаев, ва давлат хўжалигининг 5-бўлими бошлиғи Жаббарали Ҳайдаровлар бўлажак музей ҳақида ўзаро фикрлашмоқдалар.

Суратқаш Т. ҲАМРОҚУЛОВ.

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунунининг тарих факультетини 1951 йилда битириб кетганларнинг

УЧРАШУВИ

1991 ЙИЛ 21 ИЮНЬ

СОАТ 14.00 ДА

қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй.

Театр

НАВОИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/VI да **Дунёнинг яратилиши**, 20/VI да **Пиковая дама**, 21/VI да **Уйқудаги гўзал**, 22/VI да **Кармен**, 23/VI да **Спартак**.

Ўзбекистон радиосининг маъмурияти, партия ташкилоти, касаба уюшмаси ва жамоаси Тошкент вилояти Бош муҳарририяти бош муҳаррирининг ўринбосари Ю. Зияевга отаси

Мирҳоди ЗИЯЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзтрансспецстрой» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси аъзолари шу бирлашманинг асфальт-бетон заводларининг бош директори

Эдварт Егорович ГРИГОРЬЯНнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5561.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 22.45.

№ 116. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12